ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

307 2013 — 2018 йиллар даврида кумир саноати корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жихатдан қайта жихозлаш хамда уни мувозанатли ривожлантириш дастурини тасдиқлаш туррисида

Иқтисодиёт тармоқлари ва ахолининг кумир махсулотларига булган усиб бораётган эхтиёжини қондиришга йуналтирилган устувор инвестиция лойихаларини амалга ошириш, ресурс базасини кенгайтириш, кон ишларини олиб бориш хавфсизлигини таъминлаш, тармоқ корхоналари учун мутахассислар тайёрлаш хисобига кумир саноатини янада барқарор ва мувозанатли ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбеккумир» очиқ акциядорлик жамияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат геология қумитаси билан биргаликда

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й.



ишлаб чиқилган 2013 — 2018 йиллар даврида кумир саноати корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жихатдан қайта жихозлаш ҳамда уни мувозанатли ривожлантириш дастури (кейинги уринларда Дастур деб аталади) маъқуллансин. Дастур:

2013 — 2018 йиллар даврида кумир тармоги корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жихатдан қайта жихозлаш инвестиция лойи-халарини 1-иловага* мувофик амалга оширишни;

Узбекистон Республикаси Давлат геология қумитаси корхоналари томонидан бажариладиган кумир қазиб олиш учун геология-разведка ишларининг прогноз параметрларини 2-иловага* мувофиқ тасдиқлашни;

«Ангрен» кони ён деворларининг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш буйича биринчи навбатдаги тадбирларни 3-иловага* мувофиқ амалга оширишни;

2013 — 2018 йиллар даврида кумир тармоги корхоналари учун 4-иловага* мувофик мутахассислар тайёрлашни;

кон юзасини очиш, кумир қазиб олиш шу жумладан очиқ ва ер ости усуллари билан кумир қазиб олиш, шунингдек қушимча фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳажмларининг мақсадли параметрларини 5-иловага* мувофиқ таъминлашни назарда тутади.

- 2. Инвестиция лойихалари амалга оширилиши устидан амалий назоратни, Дастур бажарилиши мониторингини ва максадли параметрларга ўз вактида эришишни таъминлаш максадида 6-иловага* мувофик таркибда идоралараро гурух ташкил этилсин.
- 3. Қуйидагилар Дастур амалга оширилиши устидан назорат қилиш буйича Идоралараро гурухнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ва самарадорлигини ошириш, замонавий юқори самарали технологияларни ва бошқарувнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш, кумир тармоғида ишлаб турган ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва янгиларини қуришга йуналтирилган устувор инвестиция лойихалари уз вақтида амалга оширилишига кумаклашиш:

«Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамиятининг самарали ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш, молиявий ва моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек кўмир тармоги корхоналарининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш;

кон ишларини олиб боришда саноат хавфсизлиги талабларини таъминлашга йўналтирилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш;

ўрта муддатли ва узок муддатли истикболда кўмир тармогини мувозанатли ривожлантириш, иктисодиёт тармоклари ва ахоли эхтиёжлари билан богликликда кон юзасини очиш ва кўмир казиб олиш бўйича максадли параметрларга хар йили эришиш.

4. «Ўзбеккумир» очиқ акциядорлик жамияти, «Ўзогирнефтгазкимёлойиҳа» институти, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Кумирлойиҳа» масъулияти чекланган жамият:



^{* 1 — 6-}иловалар рус тилидаги матнда берилган.

23 (575)-сон — 61 — 307-модда

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда лойиха хужжатлари ўз вақтида ишлаб чикилиши, келишилиши ва тасдикланишини, шунингдек ушбу қарорга 1-иловага киритилган лойихалар амалга оширилишини таъминласинлар;

лойиха хужжатларини ишлаб чикиш учун, зарурат булганда, етакчи хорижий ихтисослаштирилган лойиха институтларини жалб этсинлар.

- 5. «Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамиятига ушбу қарорга 1-иловага киритилган инвестиция лойихаларини амалга ошириш учун кон транспорти ва технологик асбоб-ускуналар, автотранспорт, техника, эхтиёт қисмлар ва материаллар сотиб олиш учун танлов асосида аниқланган ишлаб чиқарувчи заводлар ёки уларнинг расмий диллерлари билан, юклашдан олдин текшириш ўтказиш шарти билан, истисно тариқасида, тўғридан-тўғри контрактлар тузишга рухсат берилсин.
- 6. Ӱзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ушбу қарорга 1-иловага киритилган инвестиция лойихаларини амалга ошириш учун тузилган контрактлар буйича хулосаларни белгиланган тартибда берсин.
- 7. Кумир тармогини техник жихатдан қайта жихозлаш ва модернизациялаш жамғармасининг маблағлари, «Узбеккумир» очиқ акциядорлик жамиятининг уз маблағлари хамда тижорат банкларининг кредитлари Дастурни амалга оширишни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.
- 8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурини шакллантиришда ушбу ҳарорга 1-иловада назарда тутилган инвестиция лойиҳалари унга киритилишини таъминласинлар.
- 9. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қумитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги ушбу қарорга 3-иловада назарда тутилган геология-разведка ишлари геология-разведка ишларининг йиллик дастурига киритилишини таъминласинлар.
- 10. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қумитаси лойиҳа-смета ҳужжатлари давлат экспертизасидан утказилишини ҳамда лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларининг сифати устидан зарур давлат архитектура-қурилиш назорати амалга оширилишини таъминласин.
- 11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Г.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

Узбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2013 йил 6 июнь, 161-сон

